Mustaqil gazeta

# HURRIYAT

O`zingni angla!

Газетамизга 2008 йил учун обуна давом этади.
**Муштарийларимиз сафида бўлинг!**
Нашр кўрсаткичи — 233.

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan * Chorshanba kunlari chiqadi * **2008-yil 11-iyun, №26 (583)** * E-mail: hurriyat@mail.ru * http://**www.hurriyat.uz**

## ИСТЕЪМОЛЧИ ҲУҚУҚИ



***Жамиятда қандай мавқеда, шарт-шароитда яшамайлик, аввало ҳаммамиз ҳам истеъмолчимиз. Ҳаётда, кундалик турмушимиздаги муносабатларда адашишлар, келишмовчиликлар ва тушунмовчиликлар бўлиб туриши табиий ҳол. Бундай вазиятлардан оқилона чиқиб кетиш учун эса, аввало ўз истеъмолчилик ҳуқуқимизни билишимиз лозим.***

⇨ 2-бет

## ОТ ҲАҚИДА ҲАҚИҚАТ



***Азалдан от ва инсон ўртасида қандайдир яқинлик бор. Шу боис асрлар оша бадиий адабиётларда от ҳақида кўп ёзилган. Ҳатто, Ҳадиси шарифда ҳам "Фарзандларингизни от минишга ўргатинг", дейилган. Назаримда улар фаросатлилиги ва ўткир зеҳнлилиги билан бошқа ҳайвонлардан ажралиб турса керак.***

⇨ 7-бет

## ҚИРОЛЛИК КЛУБИНИНГ БЕШКЕНТЛИК АЪЗОСИ



***Хўш, Александр Обидов ким ўзи? Ёш футболчининг асл исми Искандар бўлиб, Қашқадарё вилоятининг Қарши тумани маркази — Бешкент шаҳрида туғилган. Уларнинг оиласи тақдир тақозоси билан Москва шаҳрига кўчиб кетишган.***

⇨ 8-бет

## ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

■ **Санкт-Петербург, 6 июнь. Константин саройида МДҲ Давлат раҳбарлари кенгашининг норасмий учрашуви бўлди. Унда Президентлар Ҳамдўстликни иқтисодий ривожлантиришнинг 2020 йилгача бўлган стратегияси лойиҳасини шакллантириш, гуманитар ҳамкорлик, МДҲни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилдилар. МДҲ норасмий саммитида иштирок этиш учун Санкт-Петербург шаҳрига келган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведев билан учрашди. Учрашув ғоятда самимий руҳда кечди. Ислом Каримов ва Дмитрий Медведев ўзаро алоқаларнинг ҳозирги кўламидан мамнун эканликларини билдиришди ва давлатлараро ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда янада мустаҳкамлаш масалалари юзасидан фикр алмашдилар.**

■ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 9 июнь куни Оқсаройда Бирлашган Араб Амирликларининг Вазирлар Маҳкамаси ишлари бўйича вазири, "Дубай холдинг" компанияси ижрочи раиси Муҳаммад Абдулла ал-Қарқовийни қабул қилди.

■ **Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг «Ботаника» илмий-ишлаб чиқариш маркази ходими, биология фанлари доктори Қаҳҳор Ҳожиматовнинг иккита ишланмаси «Сифатли маҳсулот ва сервис учун» халқаро мукофотига сазовор бўлди. Мукофотга муносиб топилган ҲСД — Ҳожиматовнинг сафро ҳайдайдиган дамламаси бугунги кунда тиббиёт соҳасида гепатитга қарши курашда дунёда ўзига хос ва юқори самарали фитопрепарат ҳисобланади. Шунингдек, Қ.Ҳожиматов томонидан яқинда яратилган ва қандли диабет, буйрак ҳамда ошқозоности бези касалликларининг олдини олиш ҳамда даволашда қўлланадиган препарат ҳам мукофотга лойиқ, деб топилди.**

■ Кейинги йилдан Асака автомобиль заводида Cadillac русумли автомобиллар йиғила бошланади.
— General Motors корпорациясининг ҳеч бир заводида ишлаб чиқарилмайдиган эксклюзив автомобиль моделлари Ўзбекистонда ишлаб чиқарилади, — дейди корпорациянинг Ўзбекистондаги бўлими раҳбари ўринбосари.

■ **«Microsoft» компаниясининг Қозоғистон ва Марказий Осиёдаги ваколатхонаси «Microsoft Windows Vista» нинг ўзбек тилидаги версияси чиққанини расман эълон қилди. Яқин вақт ичида «Microsoft Office 2007»нинг ҳам ўзбек тилидаги версияси яратилади.**



*Жорий Ёшлар йилида қабул қилинаётган муҳим ҳужжатларда эртанги куннинг порлоқ истиқболи ва ҳар томонлама етук авлодни шакллантириш мақсади мужассам. Зеро, бугунги талаба — эртанги мутахассис, уларнинг бугун олий ўқув юртларида олаётган билимлари келажакда етук кадр бўлишига асқотади.*

*СУРАТДА: Ўзбекистон Миллий университети талабаси Зарифа Худоёрова.*

**А.КЕНЖАЕВ олган сурат.**

АНЖУМАН

# Сўз эркинлиги:

## халқаро тажриба ва миллий менталитет

***9-10 июнь кунлари пойтахтимиздаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида «Замонавий демократик жамиятда оммавий ахборот воситалари эркинлиги» мавзусида халқаро анжуман бўлиб ўтди.***

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ташкилотчилигида Минтақавий сиёсат жамғармаси ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу халқаро анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Олий Мажлис инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, Ўзбекистон инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Миллий маркази, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, ЎзА, «Жаҳон» ахборот агентликлари ва республикамизнинг қатор ОАВ ходимлари билан бир қаторда Россия, АҚШ, Германия, Япония, Буюк Британия, Ҳиндистон, Франция, Бельгия, Исроил, Миср Араб Республикаси, Қувайт, Саудия Арабистони, Хитой, Украина, Индонезия, Корея, Польша, Туркия ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ) вакиллари ҳам иштирок этдилар. Ундан кўзланган асосий мақсад жамиятни янада демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилиш ҳамда ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни амалга оширишда ОАВ эркинлигини таъминлаш, бу борада халқаро тажрибалар билан ўртоқлашишдан иборатдир.

Анжуманда сўнгги йилларда мамлакатимизда матбуот, телевидение, радиостудиялар фаолиятини либераллаштириш, улар мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар, халқаро ахборот майдонида ислоҳотларни холис ёритиш йўлида кўрилаётган чора-тадбирлар, республикамизда интернет журналистикасини янада равнақ топтириш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар ҳақида атрофлича сўз юритилди. Зеро, ҳозирги кунда республикамизда 898 номдаги газета, журнал, бюллетень ва бошқа даврий нашрлар чоп этилмоқда. Даврий нашрлар сони истиқлол йилларида қарийб 2,5 баробарга ошди. Марказда ва жойларда 12 тилда турли хил газета, журнал, бюллетенлар нашр этилади. Шулардан 502 номдагиси ўзбек тилида, 164 та нашр икки ва ундан ортиқ тилда, 84 таси эса уч-тўрт тилда чоп этилмоқда. Шунингдек, ҳозир республикада 57 телестудия ва 17 та радиоканал, шу жумладан, 40 та хусусий студиялар фаолият кўрсатиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш жараёнларини изчил ёритмоқда. Буларнинг барчаси Конституциямизда белгилаб қўйилган: сўз эркинлиги, ҳар кимнинг ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқини таъминлаш тамойилига хизмат қилиши ҳам таъкидланди.

Икки кун давом этган мазкур халқаро анжуманда мамлакатимизда ОАВ фаолиятини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш йўлида амалга оширилаётган хайрли ишлар билан бир қаторда бу борадаги халқаро тажрибалар ҳақида ҳам фикр алмашилди.

Анжуман иштирокчилари бўлган айрим хорижлик журналистлар ва экспертларни суҳбатга чорладик.

*(Давоми 2-бетда.)*




КАСБ СИРЛАРИ

# Ҳақиқий журналист қандай бўлиши керак?

**Журналист бўлиш ҳар қандай одамнинг ҳам қўлидан келавермайди. Бу соҳага умрини бағишлаганлар бор, шунчаки йўли тушмиш одамдай журналистика эшигини қоқиб ўтиб кетгувчилар ҳам қанча. Ёки ёшликда бироз қизиқувчанлик билан "Мен журналист бўламан" деб кўксига урган, кейинчалик журналистиканинг қаттиқ нонига тиши ўтмай бошқа соҳаларга ўтиб кетганлар озми? Ҳар не бўлса-да, инсон ўзи севган касбда ўзгача бир садоқат, ўзгача бир меҳр билан ишлашига не етсин!**

**Журналистикада муносиб ўрнини топиб, умрини шу соҳага бағишлаган кишилар ҳам кўп орамизда. Бугун ана шундай замондошларимиздан бири — Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети муаллими, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист Маҳмуд САЪДИЙ билан матбуот ва журналистика, унинг ютуқ ва муаммолари, бу соҳада қилинажак ишлар ҳақида суҳбатлашдик.**

***— Домла, журналист унақа ижодкор, журналист бунақа одам деб кўп эшитамиз, гапирамиз. Сиз журналистикада суяги қотган кишилардан бирисиз. Ўтган умрнинг сарҳисоби ва анча йиллик тажрибангиздан келиб чиқиб, ҳақиқий журналист қандай бўлиши керак деган саволга жавоб берсангиз...***

— Журналистни кўпчилигимиз ўзини қизиқтирган нарсалар ҳақида ёзадиган одам, дейишга кўникиб қолганмиз. Бундан ташқари, журналист деганда дунёқараши кенг, дунёнинг пасту баландини тушунган, билими чуқур киши кўз олдимизга келади. Журналист, энг аввало, виждонли, холис одам, ҳар бир нарсага очиқ кўз билан, ҳар томонлама ўйлаб, адолатли ёндашадиган шахс бўлиши керак. Бохабарлик ҳам журналистга хос бўлган фазилатлардан бири. Хўш, журналист виждони нима дегани? Америкалик машҳур психотерапевт Эверетт Шостром ўзининг "Анти-Карнеги ёхуд Манипулятор-одам" китобида психотерапевт Абрахам Маслоу фақат бир фоиз америкаликни актуализаторлар қаторига киритиш мумкин, деб ҳисоблайди, дейди. Хўш, қолган 99 фоиз америкалик-чи? Улар актуализаторлик йўлини танлаш имкониятига эга бўлган кишилардир. Чунки тўғри одам бўлиш йўли ҳеч кимнинг олдида бекитилмаган!

Актуализаторлар — гапи билан иши бир бўлган, бир нарсани ўйласа, шуни тилига чиқарадиган, айтганини бажарадиган — бир сўзли, принципиал одамлар ҳисобланадилар.

4»

ДУНЁ СИЁСАТИ



# Ҳар тўрт ўқувчидан бири адабиётдан йироқ

Россияда ўтказилган ягона давлат имтиҳонларида энг кўп қониқарсиз баҳо адабиёт фанидан қўйилди, деб хабар беради "Новости" ахборот агентлиги.

Мамлакатнинг 23 минтақасидаги 17434 абитуриент адабиёт фани бўйича имтиҳон топширган ва улардан 25,3 фоизи "икки" баҳо олган. Таҳлилларга кўра, адабиётдан қониқарсиз баҳо олганлар ўтган йилга қараганда 5 фоизга ортган.

Ушбу фандан "аъло"га ўқийдиганлар миқдори аксинча 15 фоиздан 9,4 фоизга қисқарган. "Яхши" баҳо олганлар миқдори эса 24,8 дан 28,2 фоизга ошган.

Россия таълимни назорат қилиш идораси 2008 йилда энг ёмон натижа математика фанидан қайд этилиши кутилаётганини маълум қилган.

5»

ХАТ

# Эълон чиққан газета

## ўша куни чоп этилмаган эди...

***Ҳурматли таҳририят!***
***Мен бундан бир неча аср муқаддам яшаб ўтган аллома Цицероннинг "Қонун — пластилин, ундан хоҳлаган нарсани ясаш мумкин" деган киноясини ўқиганимда, унчаям эътибор бермаган эканман. Кейинги икки йилда ўз ҳақ-ҳуқуқимни тиклаш учун судма-суд юриб, бу гап бугун ҳам айрим қонун пешволарига нисбатан сира кучини йўқотмаганига гувоҳ бўлдим.***

Инобат Диёровна Худоёрова узоқ йиллар мобайнида "Сурхондарёсавдо" акционерлик компанияси кузатув кенгашида ишлаб келган. Бу давр ичида мазкур идорага С.Аминқулов, Т.Умаровлар раҳбарлик қилган. Кейин эса унинг ўзи раҳбар бўлди. Сўнг, аввалги раҳбар даврида сотилган теннис корти ва "Қалдирғоч" супермаркетининг олди-сотди шартномасини суд орқали бекор қилдириш пайига тушди. Ва вилоят миқёсида бунинг уддасидан чиқди. Сурхондарё вилоят хўжалик судида юқоридаги объектлар ноқонуний сотилгани учун олди-сотди шартномасини бекор қилиш ва "Сурхондарёсавдо" тасарруфига қайтариш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқди. Апелляция шикояти қаноатлантирилмади — биринчи босқич суди қарори ўзгаришсиз қолдирилди.

Бироқ мамлакат бедарвоза эмас, ҳақиқат эса эгилади, букилади, лекин синмайди. Олий хўжалик суди Кассация инстанциясининг 2006 йил октябрдаги ва 2007 йил бошидаги қарорлари билан ҳақиқат тикланди: вилоят хўжалик судининг ҳал қилув қарори ва ажрими бекор қилиниб, теннис корти билан супермаркет қонуний мулкдорларга қайтарилди. Бундан ташқари, И.Худоёрова раҳбарлик даврида амалга оширилган ноқонуний хатти-ҳаракатлар ҳам аниқланди: у банд (арест) солинган маъмурий бинони қонунга зид равишда 4 миллион сўмга сотиб юборган ва пул идора ҳисоб рақамига тушмаган... Бу факт бўйича Термиз шаҳар прокуратурасининг мурожаатига кўра суд маъмурий бино олди-сотдисини ҳақиқий эмас, деб топди. 2006 йилнинг ноябрида вилоят прокуратурасида шу иш бўйича иш қўзғатилди.

Шундан сўнг, буни кўрган-билган одамларда адолат ва қонуннинг амал қилишига ишонч янада мустаҳкамланди.

2»

# ТЎРТИНЧИ ҲОКИМИЯТ

## Ҳақиқий журналист қандай бўлиши керак?

(Бошланиши 1-бетда.)

Манипулятор-одамларнинг кимлиги ҳам барчага маълум. Улар бир гапни айтиб, бошқа ишни қиладиган кишилардир.

Дейл Карнегини халқимиз унинг ўзбек тилига таржима қилинган айрим китоблари орқали билади. У Эверетт Шостромдан бошқача фикрда. Бу психолог асарлари орқали китобхонга одамлар билан қандай муомалада бўлиш, ҳаётда қандай қилиб ўз ўрнини топиш мумкинлиги ҳақида жўяли маслаҳатлар ҳам беради. У шахсий манфаатни ҳамма нарсадан устун қўйишни мақбул иш деб ҳисоблайди. Менга Шостромнинг позицияси ёқади: журналистнинг сўзи билан иши — бир бўлишини, айтганини қиладиган инсон бўлишини истайман. Назаримда, ана шундай журналистлар (одамлар) кам бўлган мамлакатни кучли мамлакат деб айтиш мушкул. Хулоса шуки, виждонли журналистнигина журналист дейиш мумкин!

> *Мақола чиққандан кейин Абдулла Қаҳҳорникида бўлганимизда, адиб: "Буни қаранг, Саидаҳмад Сиддиқий маърифатпарвар одам экан-а. Биз уни халқ душмани деб ўйлардик", деганди.*

Газетада ўз ишининг кўзини биладиган муаллифларни жалб қилиб, уларни тарбиялаб, уларнинг қаламидан иложи борича кўпроқ фойдаланиб, айтиш жоиз бўлса, муаллифлардан ўрганиб, уларга ўргатиб, бошқариб турадиган муҳаррир ҳам, энг аввало, виждонли одам бўлиши шарт! (Гап, шубҳасиз, ўз касбини пухта эгаллаган шахсга тегишли!)

Биз ҳозир бутун дунё матбуотидан ўрганаяпмиз. Масалан, Ҳёрст деган медиа-магнат ҳақида кўпчилик билади. У Ғарбга хос бўлган қилмиш: иккита давлатни бир-бирига зид қилиб қўядиган иғволар ҳам ўйлаб чиққан. Мана шу тоифа одамларнинг ишбилармонлигидан, қандайдир маънода, ибрат олиш, бошқа томондан эса, ўрнак олмаслик тарафдориман. Ўзбек журналистикасида Шарққа хос бўлган — адолатли, тўғри сўзни айтадиган, ёзадиган, бировга зиёни тегмайдиган журналистлар тайёрлайлик. Шу ерда яна бир воқеани эслаб кетмоқчиман. Шайх Умар ўғли Таҳурга (пойтахтимизнинг Шайхонтаҳур тумани ўша кишининг номида): "Сен мулла бўлма, сўфий бўлма, у бўлма-бу бўлма, лекин мусулмон бўлгил", деган экан. Шайх Умар бу ўринда комил инсонни назарда тутган. Бошқачароқ айтсам, ҳақиқий инсондан ўрнак олса арзийдиган ижодкор-журналист етишиб чиқади. Журналистикада мана шу принцип асосида иш олиб борсак, мақсадга эришишимиз мумкин.

— ***Сизнингча, журналист олдига яна қандай талаблар қўйилади?***

— Биз ўзбек миллий журналистикаси ҳақида гаплашаяпмиз. Ўзингга маълум, қўлидан келган одам янги нашрлар, радио- ва телестудиялар ташкил қилаяпти. Бутун дунёда бўлгани каби, бизда ҳам журналистика янада эркинлашиши ва янги-янги нашрлар ташкил этилиши муқаррар. Яширишнинг ҳожати йўқ, баъзи одамлар тирикчилик, яхши кун кўриш мақсадида газета очаяпти. Тўғри, уларни ҳам айблаб бўлмайди. Лекин ҳамма қўлидан келган ишни қилгани яхши. Журналистнинг ўз ватанини, халқини унутиб қўйишга ҳаққи йўқ. Шу элнинг фарзанди сифатида халқнинг корига ярайдиган нимадир қилиши керак. Газета очдингми, унинг нимаси биландир халққа ёрдами тегсин. Масалан, "Шифо-инфо" деган газета бор. Унда халқ саломатлигига ёрдами тегадиган маълумотлар эълон қилинаяпти. Бу — яхши иш. Негаки, у газетага ҳам, одамларга ҳам фойда келтиради. Аслида, газетада мана шундай бирор аниқ мақсад бўлиши керак. Ҳозир бизда кўп хусусий нашрлар чиқиб турибди. Уларнинг тўрт-бештасини бир жойга қўйиб, кўз югуртирсанг, деярли бир хил мазмун ва қолипда. Улар ўйин-кулги, олди-қочди гапларни ёйишдан нари ўтмаётирлар. Тўғри, одам ҳар доим қовоқ солиб юролмайди. Лекин газета саҳифаларида муҳим гаплар ҳам бўлиши керак. Қисқаси, журналистнинг ҳам, газетанинг ҳам халқни алдашга ҳаққи йўқ! Қайси журналист ўзбек халқи манфаатига хизмат қилса, Ўзбекистон тараққиётига ҳисса қўшаётган бўлса, уни қўллаб-қувватлаш керак. Агар халқимизга зиёни тегса, миллатнинг обрўсини туширса, шаънини ерга урса, бу хилдаги журналистика фойдасиз.

— ***Ҳар бир журналист ўз фаолияти давомида доимо матн таҳрир қилади. Бу унинг кундалик иши. Таҳрир жараёнида эса чет муаллифлар билан ишлашга тўғри келади. Тажрибангиздан келиб чиқиб муаллифлар билан ишлаш, муаллифларни тарбиялаш ва таҳририят билан муаллиф муносабатлари ҳақида гапириб берсангиз...***

— Муаллиф билан ишлаш газетада умр бўйи давом этадиган жараёнлардан бири. Гап аниқ бўлиши учун тажрибамдан айтиб қўя қолай. Мен талабалик йилларимданоқ муаллиф билан ишлашни бошлаганман дейишим мумкин. Университетда уч йил адабиёт тўгараги раиси бўлиб ишладим. Тўгаракнинг барча ишларини олиб боришга тўғри келарди. Ўша пайтлари тенгдошларимиз билан "Шарқ юлдузи" журналида чиқадиган арзирли асарларни изчил муҳокама қилиб борардик. Муҳокамада биров проза, биров драматургик асарлар ёки танқидчилик ҳақида гапирарди. Мавзуларни талабаларга бўлиб берардик. Конференцияларга таҳририят аъзолари, бош муҳаррир таклиф қилинарди. Ўша кезлари Асқад Мухтор "Шарқ юлдузи"да бош муҳаррир эди.

Шу ерда бир нарсани айтиб ўтишим керак. Сўзга чиқувчилардан журнал ҳақидаги шахсий фикрларини ёзиб келишларини илтимос қилардик. Албатта, бу фикрлар минбарга чиқиб айтишга лойиқ бўлса, таҳрир қилинмасди. Акс ҳолда, қайта ёздирардим. Катта матнларни икки-уч қоғозга келтириб, тайёрлардик. Бир гал Абдулла Қаҳҳор университетимизга келганида минбардан гапирилаётган гапларда ортиқча жойи йўқлигини сезиб хурсанд бўлганди. Абдулла Қаҳҳордек адибнинг қойил қолиши биз учун катта бахт эди. 1964 йили "Шарқ юлдузи"да журнал ҳақидаги бизларнинг фикрларимиз эълон қилинди. Уларнинг таҳрири ҳам менга тегишли эди.



Орзуим адабиёт газетаси ёки журналида ишлаш бўлгани учун ким шу йўналишда нима ёзса, мунтазам кузатиб борардим. Маълум бўлаяптики, муаллиф билан ишлашдан олдин уни излаб топиш, материалини таҳрир қилишдан аввал эса унинг кимлиги, қўлидан нима иш келишини билиш талаб этилади. Диплом ишлари ёқланаётганда кириб ўтириш мен учун одат эди. Натижада кейинчалик яхши-яхши диплом ишларидан "Шарқ юлдузи", "Гулистон" журналларида мақолалар ёздиртириб чиқардим. Мисол учун, атоқли олим Бегали Қосимов мен топган муаллифларимдан бири эди. У Саидаҳмад Сиддиқий-Ажзий ҳақида диплом иши ёзганди. Ўша ишдан каттагина ҳажмдаги мақолани "Шарқ юлдузи"да эълон қилгандим. Мақола чиққандан кейин Абдулла Қаҳҳорникида бўлганимизда, адиб: "Буни қаранг, Саидаҳмад Сиддиқий маърифатпарвар одам экан-а. Биз уни халқ душмани деб ўйлардик", деганди. Демоқчиманки, талаба Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети талабаси бўладими ёки Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети талабаси бўладими, келажакда қаерда ишлашни ният қилган бўлса, ўша жойга мос муаллифларни жалб этиш ҳақида эртароқ ўйлаб кўриши керак.

— ***Муаллиф танлаш ва тўплаш ибтидоси ҳақида қисман бўлса-да, гапирдингиз. Таҳририятга муаллифни жалб этаётганда муҳаррир ҳар тугул йўлида учраган ҳар қандай одамдан "Бизга материал ёзиб туринг", деб илтимос қилавермаса керак. Матбуот муҳаррирдан ўқишли ва савияли мақолалар талаб этади. Шу боис ҳамма муҳаррирлар ўз атрофига яхши муаллифларни йиғиш ҳақида ўйлайди. Муаллиф танлашнинг ҳам ўзига хос принциплари ва йўллари борми?***

— Албатта, бор. Муҳаррир газетада ишлаётганида қалами ўткир ва билимли муаллифларни тўплаши, уларни рағбатлантириб, газетада кучли-кучли материалларини эълон қилса, ютқизмайди. Муаллиф тўплаш ҳақида гапирадиган бўлсам, ишда ҳам, йўлда ёки мажлисларда, ҳатто тўй-маракаларда ҳам муаллиф излаганман. Муаллиф билан дуч келган жойга гаплашиб олавериш керак. Албатта, биринчи навбатда, муаллифларнинг ўзлари таҳририятга келади. Кейин етишмаганлари излаб топилади. Ҳар бир журналистнинг ўзи ёқтирган соҳаси бўлади, шу мавзуни ёзишга шашти баланд бўлади. Бир журналист барча мавзуларда бирдек юксак савияли мақола ёзиши анча қийин. Газета-журналларда турли мавзуларда материал беришга тўғри келади. Айтайлик, фанда, мусиқада ёки спортда бирор қувончли воқеа содир бўлди. Ёки кибернетика соҳасида кашфиёт қилинди. Ана шундай ҳолатларда муҳаррир қайси муаллифга ўша кашфиёт ҳақида ёздиришни билиши керак. Масалан, мусиқа ҳақида Отаназар Матёқубов яхши ёзади. Шу ўринда яна бир масала бор. Муаллиф Шарқ мусиқасини яхши биладими ёки Ғарб мусиқасини?.. Мамлакатимиздаги гигант қурилишлар ҳақида, дейлик, Мурод Абдуллаевга ёздириш мумкин. Айтадиган гапим шуки, муаллиф танлаганда ҳар бир соҳанинг ўз билимдонини топиш лозим. Баъзи кишиларда билим кучли бўлсада, яхши ёза олмайди. Улар билан суҳбатлашиб, ичидагини ташига чиқариб, халққа етказиш керак. Уларга ёрдам бериб, янги фикрларини, мустақил қарашларини, масалан, суҳбат тарзида эълон қилиш мумкин.

Яна шуниси ҳам борки, ҳар бир газетанинг талабларидан келиб чиқиб муаллиф танланади. Масалан, қайси муаллиф тез ва соз ёзиб келади? Ахир, кимдир секин, кимдир эса тез ёзади. Масаланинг шу томонларига ҳам эътибор қаратиш аҳамиятли. Менинг асосий йўналишим — адабий танқидчиликни оладиган бўлсак, мақолани тез ва дадиллик билан Норбой Худойберганов ёзиб берарди. Озод Шарафиддинов эса кўп ўйлаб, кейин пухта материал тайёрларди. Ҳажмиҳам каттароқ бўларди. Бир гал Озод акадан Пиримқул Қодировнинг "Қора кўзлар" романига тақриз ёзиб беришни илтимос қилдим. Биламанки, у киши анча узоқ вақт ёзади. Шунда Пиримқул акадан бошқа бировга ёздирсакми, мақола кечикаяпти, деб сўрадим. Адиб рози бўлмади. Бу ерда бир нарса ойдинлашаётир, таҳририятга соҳанинг ўз билимдонларини кўпроқ жалб этиш керак.

Ҳар бир муҳаррирнинг ўзи суянган муаллифлари бўлиши шарт. Муаллиф билан ишлаётганда муҳаррир ўз ижодий жамоасини яратишга интилади. Лекин бизда бу иш системага кирмаган. Ҳолбуки, муаллифлар жамоаси яратилса, муҳаррирнинг ўз ижодий концепциясини ишлаб чиқиши осон бўлади. Ҳар бир таҳририятнинг мавжуд бўлимлари ҳисобга олиниб, доимий муаллифлар гуруҳи тузилади. Ана шунда ҳар қандай муаммо осонгина ҳал бўлади. Айтайлик, иккита давлат ўртасида дипломатик алоқа ўрнатилди. Узоқ йиллар икковининг борди-келдиси узилганди. Газетада ўша мамлакат одамлари, тарихи, маданияти, санъати ҳақида яхши материал бериш лозим. Аввал эса бу хусусда ҳеч ёзилмаган. Бундай ҳолатларда муҳаррир шошиб қолмаслиги керак. Ишончли муаллифлари бор муҳаррир, шубҳасиз, бундай ҳолларда довдираб қолмайди...

Муҳаррир фақат таҳририятда ўтириб, кимларнингдир яхши-ёмон мақолаларини чиқариб ўтираверадиган кимса эмас. У ўз ишини ўзи топиб олади. Бу хилдаги ижодкор муҳаррирлари кўп таҳририятнинг нашри ўқишли ва мазмундор бўлади. Ҳамма бўлим муҳаррирлари топган-тутганини газета ёки журналга илиниши керак. Шу маънода, муҳаррир фаол ижодкор ва маданият ходими.

Шу ўринда бир нарсани аниқ айтиш керак деб ўйлайман. Ўзбек матбуоти тарихига доир кўплаб турли савиядаги китоблар ёзилмоқда. Уларнинг айримлари жуда юзаки. Мен икки нарсани алоҳида таъкидламоқчиман. Биринчиси, Асқад Мухтор давридаги "Гулистон" журналининг ўн йиллик тарихи. Иккинчиси эса, "Фан ва турмуш" журналининг яқин ўтмишдаги тарихи(ҳозиргиси эмас). Ҳар икки журнал таҳрир бўйича жуда кўп фойдали ишлар қилган. Улар ҳақидаги ҳақиқатлар ўзбек матбуоти тарихи китобларидан жой олиши керак. Балки, кимдир бу ишларни қилаётгандир ҳам. Шундай бўлса, адолатли бўларди. Негаки, журналларнинг муаллиф билан ишлаш, муаллиф топиш, сарлавҳа ва рукнлар қўйиш тажрибаси жуда бой. Масалан, "Фан ва турмуш" журналининг "Юрган – дарё" каби ўзбекона рукнларини ҳамон эслайман.

— ***Суҳбатимизда тўғри таъкидлаганингиздек, бугунги кунда янги-янги нашрлар урчигандан урчиб бормоқда. Табиийки, бу доимий муаллифларга бўлган талабни оширади. Таҳририят ўз муаллифлари билан мунтазам алоқа ўрнатиши учун нималар қилиши керак?***

— Энг аввало, муаллифнинг ишончини қозониш керак. Бу қандай бўлади? Биринчидан, муаллифлар билан тўғри муносабатда бўлиш, мақоласи ҳақида тўғри, асосли ва аниқ гапларни гапириш керак. Иккинчидан, муаллифлар ҳам ҳар хил: баъзилари ҳам яхши ёзади, ўзи ёзган мақоласи нимага арзишини ҳам билади. Шундай пайтлари муҳаррирнинг билимдонлиги қўл келади. Муаллиф нима ёзиб келди, мақолани чоп этса бўладими ёки йўқ, буни дарров айта олади. Яна бир нарсани қўшимча қилишим мумкин, муҳаррир муаллифлар психологиясини ўрганишга мажбур. Шундан келиб чиқиб муомала қилинади. Муаллифнинг яхши, тўғрисўз, ҳалол одамлигини унинг материалини бир варақлагандаёқ айтиб бериш мумкин. Бундай одамларга мақоласи ҳақида бор гапни рўй-рост айтиш керак.

Муаллифларнинг яна бир тоифаси борки, улар хира муаллифлардир. Уларнинг мақсади, нима қилиб бўлса ҳам, сени тилингдан илинтириб, мақоласини чиқариш! Мақола жуда саёз ёзилган. Буни унинг ўзи ҳам билса-да, фамилияси чиқишини жуда хоҳлайди. Бундай муаллифдан осонликча қутулиб бўлмайди. Унга мақолангизни қолдириб кетинг, кўриб чиқамиз деб, арқонни узун ташлаб, яхши ўйлаб гаплашиш лозим бўлади...

> *Муаллифларнинг яна бир тоифаси борки, улар хира муаллифлардир. Уларнинг мақсади, нима қилиб бўлса ҳам, сени тилингдан илинтириб, мақоласини чиқариш! Мақола жуда саёз ёзилган. Буни унинг ўзи ҳам билса-да, фамилияси чиқишини жуда хоҳлайди...*

Бир фактни айтай. Номдор газетанинг бош муҳаррири билан суҳбатлашиб ўтиргандик. Эшикдан бир одам важоҳат билан кириб келиб, "Нега менинг мақоламни чиқармадингиз", деб жанжал кўтарди. Архивдан ходимлар унинг мақоласини топиб, олиб келди. Шунда мақолани ўқиб кўрдик, муаллиф шахсий мафаатини кўзлаб, коллеж директорини мақтаб ёзган экан. Мақолада жўяли фикр ҳам, янгилик ҳам йўқ. Лекин муаллиф бу ерда ўзича ҳақ. Нега? Чунки ўша хабарни муҳаррир олиб қолаётганда, мақолангиз яхши бўлса нашр қиламиз, дейиши керак эди. У рози бўлса мақола олиб қоларди. Муҳаррирнинг айби — мана шу гапни айтмаганида, холос.

Аммо бир олтин қоида ҳам бор: муҳаррир муаллиф яхши бўладими, яхши бўлмайдими, барибир, у билан хушмуомалада бўлиб, таҳририят эшигидан кириб келган кишини норизо қилиб чиқариб юбормасликка интилиши лозим.

— ***Баъзи муаллифлар бўладики, таҳрир деган нарсани ҳазм қилолмайди...***

— Ҳа, саволингни тушундим. Муаллиф услубини сақлаб қолиш деган масала ҳақида фикрим шундай: муаллифнинг ўз услуби бўлса, уни мақоласи таҳрир қилинаётганда сақлаб қолиш керак, албатта. Муаллифнинг фикри теран, тили равон бўлса, мақолани имкон қадар қисқартирмасликка, фикрларини олиб ташламасликка интилиш зарур. Мақоланинг ҳажми катта, ортиқча сўзлар кўп ишлатилиб, фикр саёз бўлса, яхшиси, уни чоп этмаган маъқул. Аслини олганда, шахс бўлиб шаклланмаган муаллифда услубнинг ўзи бўлмайди! Фақат шахсдагина услуб ҳам, фикр ҳам бўлади. Қолаверса, жуда-жуда оз журналистларда ўзига хос услуб бор. Афсуски, бу — аччиқ ҳақиқат. Кўпчилик журналистнинг ёзганини ўз услубида дегандан кўра, усулида ёзибди, десак, менингча, тўғрироқ ва адолатдан бўлади.

— ***Суҳбатимиз давомида таҳририят ўз муаллифларини тарбиялаб бориши керак деб айтиб ўтдингиз...***

— Ҳар бир ёш ижодкор халқ тилини мукаммал ўрганиши лозим. Тўғри, кимлардир мен ўз она тилимни зўр биламан, деб мақтаниб юрган бўлиши ҳам мумкин. Ўзбек тилининг қонун-қоидаларини яхши билган киши, балки, бехато ёзар, лекин ёзган асарини халққа манзур қилиши учун ўз она тилини пухта билиши жуда-жуда зарур. Масалан, ҳаммамиз Ғафур Ғулом битган асарларни бирдек севиб ўқиймиз. Сабаби — у тилимизни аъло даражада билган. Халқ оғзаки ижоди асарларини кўп ўқиган. Ҳатто бозорларда юриб "гап ўғирлаган"; ёзган асарларида бу сўзларга кенг ўрин берилган. Мана, ҳозир чоп этилаётган аксарият асарлар ўқувчини дарров зериктиради. Нима учун? Чунки бу китобларда халққа яқин бўлган ифода, оҳанг йўқ, ҳаммаси расмий хабарлар тилида...

Яна бир гап. Ёш журналистлар моҳир журналист ва ёзувчиларнинг услубларини ўрганишлари зарурат, деб ҳисоблайман. Тарихни ҳам, дунё географиясини ҳам. Журналист бўлишни чидаганга чиқарган. У ёзадиган нарсасини эплаб ёзиши керак.

Айрим ёшларимиз материал ёзиб келади. Фикри яхши, янгиликлар ҳам топган, гапини эса тушуниб бўлмайди. Уларга классик асарларни, достонларни ўқиб чиқинглар десанг, ўқимайди. Ўқиганлари эса жуда кам. Шунинг учун чин журналист камдан-кам етишиб чиқади.

Ҳар бир таҳририят қошида ўз муаллифларини тарбиялайдиган тугараклар очиб, ёзишга иштиёқи бўлган ёш ижодкорларни тайёрлаб бориш керак, деб ўйлайман. Ҳозир айрим таҳририятларда бу иш матбуотни қўллаб-қувватлайдиган фондлар кўмагида амалга оширилмоқда. Бу — яхши. Унга тажрибали журналистларни жалб қилиб, улар турли мавзуларда маърузалар ўқиб, тажрибаларини баҳам кўрсалар жуда яхши иш бўларди. Ўз навбатида, ёшларни бир ёки икки йилда етук журналист қилиб қўйишнинг ҳам иложи йўқ.

...Бироқ интилганга толе ёр, деб бекорга айтишмаган-ку!

**Азим РЎЗИЕВ суҳбатлашди.**

---

**МАТБУОТ**

## Қирқ беш йил

### замон билан ҳамқадам, халқ билан ҳамнафас

**"Сирдарё ҳақиқати" газетаси нашр этила бошлаганига бу йил роппа-роса 45 йил бўлди. Газета ўзининг биринчи сониданоқ Мирзачўлни ўзлаштирувчиларнинг севимли нашрига айланганди.**



Мана, орадан қарийб ярим асрга яқин вақт ўтибдики, газета бийдай чўлни серҳосил далаларга, гўзал боғларга айлантиришда, шўр босган қишлоқлар ўрнида обод шаҳарлар барпо этишда фидойилик кўрсатган ва ҳамон шу йўлда ҳормай-толмай жонбозлик қилиб келаётганлар меҳнати, ҳаёти ва ибратини изчил ёритиб келмоқда.

Сирдарё вилояти ташкил этилганида аҳоли сони тахминан ярим миллион атрофида эди. Янги вилоят газетасини чиқариш учун Тошкентдан тажрибали журналистларнинг катта гуруҳи юборилди. Улар газета чиқариш билан бирга, Мирзачўлда ёш журналистларнинг тажриба мактабини ҳам ярата олишди. Камина ҳам ана шу мактабни ўтаганман. Кейинчалик газетада йигирма йил ишладим. Қўрқмай айта оламан, газета жонкуяр журналистларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли ўша қаҳри қаттиқ цензорларнинг таъбига қараб иш тутилган бир пайтда ҳам турли жанрларда, ранг-баранг мавзуларда жуда қизиқарли бўлиб чиқарди. Унинг ҳар сони деярли ҳар бир хонадонга етиб бориб, қўлма-қўл бўлиб кетарди. Бугун хотирам чизгиларига олтин ҳарфлар билан битилган ўша йигирма йиллик саҳифаларни бир-бир варақлар эканман, ажиб бир ҳислар оғушида қолгандай сезаман ўзимни.

"Сирдарё ҳақиқати" газетаси қирқ беш ёшга кирган паллада уни шу даражага етказишда фидокорлик кўрсатган, аммо бугун орамизда йўқ бўлган журналистларни хотирлаш ҳам ҳар жиҳатдан ўринли бўлса керак. Таниқли журналист Исмоил Сулаймонов газетага кўп йил муҳаррирлик қилганди. У кишининг талабчанлиги, меҳрибонлиги сира кўз ўнгимдан кетмайди. Меҳнатни тўғри ва холис баҳолайдиган, тили билан дили бир, шогирдлари ютуқларидан фахрланадиган устоз эди. Агар яхшироқ мақола ёзсангиз, газетада босилмасидан олдин бош ҳисобчини чақириб, мукофот ёздириб берарди. Газета жамоасига кўп йил раҳбарлик қилган Саъдулла Боқиев ҳам ўта камтарин, ишлаб чарчамайдиган, ҳалол, бағри кенг инсон эди. Тўғрисини айтсам, ҳозир ҳамкасбларимиз орасида бундай инсонлар жуда кам. Устознинг холис ва саводли таҳририни ҳалигача эслаб юрамиз. Саъдулла ака учун ўзаро муносабат эмас, ижодий маҳорат муҳим эди. Шунинг учун биз у кишининг раҳбарлигида эркин ижод қилардик. Ана шундай ажойиб инсонлардан яна бири Кабир Шукуров ижодий жамоада "макетнинг пири" номини олганди. Устоз нафақат макет чизишда, балки материалларни мавзуси ва мавқеига кўра жойлаштиришда ҳам, сарлавҳаларни чиройли териш ва ҳар бир саҳифани дид билан безашда ҳам катта тажриба, маҳоратга эга эди. Газетанинг оёққа туришида ўзининг бор куч-ғайратини аямаган Ҳакимжон Халилов, Баҳодир Муҳаммадиев, Холиқул Сагизов, Абдухолиқ Тўраев, Умарали Алиқулов, Муҳаммаджон Исамуродов, Жонибек Сувонқуловларни ҳам яхши хотиралар билан эслаймиз.

Ижодда бошқаларга ибрат кўрсатган холда, ўзининг ўткир фельетонлари, бадиий очерклари, таҳлилий мақолалари билан шуҳрат қозониб, ҳамон ҳозиржавоблиги ва ташаббускорлиги билан халқ дуосини олиб келаётган журналистлар Саминжон Султонов, Жамол Шаропов, Элмурод Мавлонов каби ҳамкасбларимиз бугун чин маънода Сирдарё журналистикасининг фахрлари ҳисобланади. Саминжон ака билан Жамол ака ҳозир нафақада, кексалик гаштини суришяпти. Аммо ҳамон ижод қилишдан, ёзишдан тўхтаганлари йўқ. Элмурод Мавлонов ҳозир "Сирдарё ҳақиқати" газетасида бош муҳаррир ўринбосари бўлиб ишлаяпти.

"Сирдарё ҳақиқати" газетасининг тажриба мактаби бугун ҳам кундан-кунга тобора такомиллашиб, янги мазмун-моҳият билан бойиб бораяпти. Унда мамлакатдаги ва вилоятдаги ўзгаришлар, фуқароларнинг эркин фикрлари изчил ёритиб борилмоқда. Шу ўринда айни кунда вилоят газетасини қизиқарли, ранг-баранг, ҳозирги талабларга мос руҳда чиқариб, унинг ривожига катта ҳисса қўшиб келаётган Ортиқ Султонов, Мамадали Аҳмедов, Бозорбой Бекмуродов, Аҳмадали Шерназаров, Раиса Абиятова, Холида Пардабоева, Турғун Норқулов каби ҳамкасбларимизнинг ижодий фаолиятлари ҳақида ҳам илиқ фикрларни билдириш жоиз.

**Иброҳим НОРМАТОВ,**
**"Туркистон-пресс" нодавлат ахборот агентлиги бош директори ўринбосари.**

---

**ОЧИҚ ГАП**

## Ҳар ким экканини ўради

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари таҳририятининг айрим собиқ ходимлари билан боғлиқ жиноий иш бўйича суд ҳукми эълон қилинди. Тергов ва суд жараёнларида ҳар бир ҳолат ипидан-игнасигача синчиклаб ўрганилди, қилни қирқ ёрувчи ҳуқуқ-тартибот соҳаси ходимлари адолат тантанаси учун фидойиликларини намоён этишди.

Энди ушбу ҳукм ҳақида ҳар ким ўз муносабатини билдириши мумкин. Лекин интернетдаги «Uzmetronom» сайти дастлабки тергов давридан то суднинг сўнгги мажлиси кунигача мазкур мавзуга бир неча бор мурожаат қилди. Бу судга таъсир ўтказишга уриниш эмасми? Ўзбекистон қонунчилигига кўра, худди шундай. Лекин бу сайт муаллифига қонун эмас, манфаат устунга ўхшайди. Сайт соҳиби Сергей Ежков учун истаган одамга мағзава ағдариш ҳеч гап эмас.

Баҳслашишга арзимайдиган туҳматномалар яққол кўриниб турган ёлғонлардан иборат. Бир мисол: март ойида берилган ахборотлардан бирида парламент газетаси Бош муҳаррири 60 ёшга тўлганлиги ярашмаган талқинлар билан хабар қилинади ва иллюстрация сифатида... бошқа бир таниқли журналистнинг сурати илова қилинади. Куласизми, куясизми?.

Ажабо, интернет деганлари оғзига нима келса валдирайдиган кимсалар минбарими? Ижодкорларни асосий фаолиятидан чалғитувчи, асабини қақшатувчи бўҳтонларнинг чеки-чегараси борми?

Энди якунланган жиноий иш хусусида. Ўзбекистон Республикаси номидан чиқарилган ҳукмда бош бухгалтер Альфия Зарипованинг аёл киши эканлиги ҳисобга олиниб, қонунларимиз бағрикенглиги туфайли моддий жавобгар лавозимда ишлаши таъқиқланди, нооширлик бўлими мудири Алим Нишоновга келтирган зарарни тўлаганлиги учун шартли жазо тайинланди.

Бунга сабаб нима, деган савол туғилиши табиий. Суд курсисида жавоб берган бу зотлар китоб чиқариш(зиё таратиш)дек эзгу фаолиятни шахсий ҳамёнларини тўлдириш мақсадига йўналтирган. Ҳужжатларда офсет қоғозда чоп этилди, деб аслида эса китоблар газета қоғозига босилган. Орадаги фарқ нафс гирдобига урилган. Китобларни сотишдаги ҳийла-найранглар нинг ўзи бир китоб бўлади. Сирдарё вилоятидаги кўплаб фермерлар ўзлари бехабар ҳолда ҳисоб рақамларидаги маблағлардан мосуво бўлишган.

Ҳар ким экканини ўради. Арпа экилган даладан буғдой кутиш мумкин эмас. Суднинг адолатли қарори барча саволларга аниқлик киритди. Сизу биздан бундай ҳаракатлардан огоҳ бўлиш талаб қилинади.

**Ш.ЖАББОРОВ**

# ДУНЁДА НИМА ГАП?


TURON BANK

**Очиқ акциядорлик-тижорат**
**“ТУРОН БАНК”**

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 20 февралдаги “Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони асосида аҳолига миллий валютадаги қуйидаги янги омонат турларини таклиф этади:**

- “ЁШЛИК” — йиллик 30 фоиз, омонат муддати 3 ой, фоизлар ойма-ой ёки омонат муддати тугагандан сўнг тўланади.
- “ИШОНЧ — 1” йиллик 27 фоиз, омонат муддати 3 ой, фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг миллий валютада тўланади.
- “ИШОНЧ — 2” йиллик 28 фоиз, омонат муддати 6 ой, фоизлар мижоз талабига кўра омонат расмийлаштирилгандан сўнг 3 ой муддатда ёки омонат муддати тугагандан сўнг тўланади.
- “ИШОНЧ — 3” йиллик 27 фоиз, омонат муддати 12 ой, фоизлар мижоз талабига кўра ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг тўланади.

**Фармонга асосан 2008 йил 1 апрелдан — 2009 йил 1 апрелгача бўлган даврда истаган киши банкларда ўз депозит ҳисобварақларини очиши, унга миллий ва хорижий валютадаги чекланмаган миқдорда маблағ қўйиши мумкин.**

**Маблағнинг келиб чиқиш манбаларини тасдиқлайдиган ҳужжатлар тақдим этилмайди.**

«ТУРОН БАНК» МИЖОЗЛАРНИНГ ОМОНАТГА ҚЎЙГАН ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ СИР САҚЛАНИШИНИ КАФОЛАТЛАЙДИ.

**Омонатга қўйилган пул маблағларингиз фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланган.**
**Омонатга қўйган маблағларингиз ҳисобига олинган даромадингиз солиққа тортилмайди.**
**“Турон банк” омонатлари тўлиқ рўйхати билан банкнинг филиалларида ёки www.turonbank.uz сайти орқали танишишингиз мумкин.**
**Маълумот учун телефон: (+99897) 700 55 55**

**ОАТ “ТУРОН БАНК”НИНГ “ИШОНЧ ТЕЛЕФОН”ЛАРИ:**

| | |
|---|---|
| Кредитлаш бош бошқармаси | 244-30-44 |
| Пул муомаласи бош бошқармаси | 244-32-32 |
| Валюта амалиётлари бош бошқармаси | 244-25-64 |
| Марказий амалиёт бошқармаси | 244-25-76 |
| 1. Андижон филиали | 8-374-22-2-19-09, 5-60-40 |
| 2. Бухоро филиали | 8-365-22-4-35-16 |
| 3. Олот филиали | 8-365-34-2-10-37 |
| 4. Навоий филиали | 8-436-22-4-21-09 |
| 5. Қарши филиали | 8-374-22-6-01-57 |
| 6. Шаҳрисабз филиали | 8-375-52-2-53-60 |
| 7. Наманган филиали | 8-369-22-6-25-46, 6-64-39 |
| 8. Нукус филиали | 8-361-22-2-15-16, 2-11-43 |
| 9. Самарқанд филиали | 8-366-2-31-07-72, 31-04-26 |
| 10. Сухондарё филиали | 8-376-22-3-15-11, 3-18-99 |
| 11. Сирдарё филиали | 8-367-22-7-22-64, 7-23-08 |
| 12. Фарғона филиали | 8-373-22-4-06-21, 4-06-17 |
| 13. Хоразм филиали | 8-362-22-5-26-37, 5-26-16 |
| 14. Жиззах филиали | 8-372-22-2-21-41, 2-21-98 |
| 15. Зангиота филиали | 150-20-24 |
| 16. Бўка филиали | 8-370-57-35-190 |
| 17. Миробод филиали | 150-10-10 |




### НОМАЪЛУМ ЭПИДЕМИЯ ХАТАРИ



Шимолий Кореянинг Хитой билан чегарадош ҳудудларида номаълум эпидемия тарқалган ва ўнлаб болалар ўлимига олиб келган.

Эпидемия ҳудудида иш олиб бораётган «Меҳрибон дўстлар» ташкилоти хулосасига кўра, шиддат билан тарқалаётган касаллик туфайли 27-апрелдан буён ҳар куни 5-6 нафар болакай ҳаёт билан видолашмоқда.

Шимолий Корея шифокорлари касаллик қўзғатувчи вируснинг хусусиятларини аниқлай олмаётирлар, бу эса инфекцияни тўхтатиш йўлидаги уринишларни йўққа чиқармоқда. Шифокорларда фақат бу парранда гриппига ўхшаш касаллик деган тахмин бор холос.

Эпидемия асосан болалар боғчалари тарбияланувчилари орасида тарқалмоқда. Катталар орасида номаълум вирусга чалиниш ҳолати қайд этилмаган. Мазкур касал билан оғриган беморларда шамоллаш, иситма, йўтал, иштаҳанинг йўқолиши каби асоратлар зоҳир бўлмоқда.

### АСАЛАРИНИНГ ҲАМ ЎЗ ШЕВАСИ БОР...



Асаларилар “рақс” орқали ўз қавмдошларига қаердан озуқа топиш мумкинлиги тўғрисида хабар беради. Шу билан бирга жаҳоннинг турли минтақаларида яшайдиган асаларилар ўз шевасига ҳам эга. Бироқ шевадаги фарқлар ўзаро тил топишишга у қадар халақит бермайди. Германия, Австралия ва Хитой олимлари бир неча йиллик тадқиқотлардан кейин ана шундай хулосани эълон қилишди.

Асалариларда “рақс” ўзаро ахборот алмашишнинг ягона воситаси саналади. Мулоқот жараёнида рақс шакллари мазмунга мос равишда ўзгариб туради.

Олимлар Хитой ҳудудида осиёлик ва европалик асаларилардан иборат тажриба участкаси ташкил этишди ва уни доимий равишда кузатиб боришди. Видеокузатувлар жараёнида митти жонзотларнинг мулоқот “тили” бир-биридан фарқ қилиши аниқланди. Лекин шевадаги фарққа қарамай, турли минтақада яшовчи асаларилар бир-бирини бехато тушунган.

Тадқиқотчилар бу турли ҳудудларда яшовчи асалариларнинг «тили ва мулоқоти»ни ўрганиш бўйича дастлабки изланишлар эканини таъкидламоқдалар.

### СОБИҚ РАҲБАР ЖОСУС БЎЛГАНМИ?

Польша давлатининг собиқ президенти, халқ орасида салкам миллий қаҳрамон сифатида ҳурмат қилинадиган Лех Валенса махсус хизмат билан ҳамкорлик қилиш ва махфий маълумотларни етказиб туришда айбланмоқда. Мазкур айблов Польшанинг амалдаги раҳбари, Лех Валансанинг издоши ва шогирди Лех Качиньский томонидан илгари сурилган.



Польша президентининг телевидение орқали интервьюсида маълум қилинишича, Лех Валенса 1970 йилларда махсус хизматга оғдирилган. Амалдаги давлат раҳбари Л. Валенса айнан қандай ахборот етказиб турганини аниқ айтмаган. Лекин ҳамкорлик олти йил давом этгани, собиқ президент «Болек» тахаллуси билан маълумот еткизганини маълум қилган.

Кузатувчилар фикрича, бу Лех Качиньскийнинг собиқ устозидан ўзига хос тарзда қасос олишга уриниши бўлиши мумкин. Амалдаги президент юритаётган сиёсатни кескин танқид қилган Л. Валенса уни ҳақорат қилганди.

Юқоридаги айблов яқинда Нобель мукофоти олганининг 25 йиллигини нишонлашга ҳозирлик кўраётган Лех Валенсанинг кайфиятига салбий таъсир кўрсатди. Польшанинг собиқ раҳбари махсус хизмат билан ҳамкорлик хусусидаги фикрларни унинг нуфузини туширишга қаратилган сохта даъво деб баҳолаган.

### КАНАДА КЎЧАЛАРИДА — КАРТОН ПОЛИЦИЯЧИ!

Канаданинг Ванкувер шаҳри кўчаларида картондан ясалган полициячилар макети ўрнатила бошланди. Макетни бир қарашда ҳақиқий жонли полициячидан фарқлаш қийин. Ушбу чора орқали йўлларда ҳайдовчилар томонидан содир этиладиган тезликни ошириш ва автоҳалокат ҳолатларини камайтириш мақсад қилинган.

Мазкур макетларнинг дастлабки қисми ҳайдовчилар энг кўп қоида бузадиган Knight кўчасига ўрнатилган. Маҳаллий полиция вакили Ральф Поунинг айтишича, ўтган йили ана шу кўчада содир бўлган 25 дан ошиқ йўл транспорт ҳодисаси пайтида ўнлаб одам вафот этган.



Унинг таъкидлашича, картон полициячи шу қадар ишонарли шаклда ясалганки, юк машинаси ҳайдовчиларидан бири тўхтаб, жонсиз ҳайкал билан баҳслашишга тушиб кетган. Ҳайдовчиларнинг ҳушёрлигини ошириш учун картон нозирлар орасида жонли полициячилар ҳам қўйилиши кўзда тутилган.

Мазкур усул Ванкувер шаҳрида ҳаракат хавфсизлигини ошириш йўлидаги йирик дастурнинг таркибий қисми саналади. Бунга мувофиқ, кўчаларда видеокузатув тизимини янада кучайтириш, қоидабузарлар устидан назоратни қатъийлаштириш мақсад қилинган.

### ИТАЛИЯ БОШ ВАЗИРИ ҲУШИДАН КЕТАЁЗДИ

Италия бош вазири Сильвио Берлускони Генуя шаҳри яқинида ёш тадбиркорлар йиғинида маъруза қилганидан кейин ўзини ёмон ҳис қилди ва йиқилишига бир баҳя қолди. Унга кўмакка шошган ёрдамчилари бош вазирни яқин хоналардан бирига олиб киришди. 71 ёшли бош вазирга тезкор тиббий ёрдам кўрсатилди.



Шундан кейин у яна саҳнага қайтди ва маърузасини давом эттирди. Бош вазир маъмурияти ҳукумат раҳбари қони таркибида шакар моддасининг қисқа муддатли камайиши ҳолати рўй берганини маълум қилди.

Берлускони 2006 йилнинг ноябрида сайловолди чиқишларидан бири пайтида ҳам ҳушидан кетганди. Ўшанда у бир неча кун Миланда даволанганидан кейин операция учун АҚШга йўл олганди. Унга қон босимини меъёрга келтирувчи дори воситалари тавсия этилганди.

Сиёсат ва бизнесни ёнма-ён олиб бораётган Берлускони жорий йилнинг апрелида учинчи марта Италия ҳукумати раҳбарлигига сайланди. Сайлов кампанияси даврида унинг саломатлиги юзасидан хавотирлар билдирилганди. Берлускони эса хавотирларни ўринсиз деб атаб, ўзини худди йигитлардек ҳис қилаётганини айтганди.

### 6100 ДОЛЛАРЛИК... ТАРВУЗ

Японияда ўтган кимошди савдоси чоғида Densuke навли тарвуз 6100 долларга сотилди. Fox News ушбу савдони полиз экинининг дунё миқёсидаги энг рекорд нархда сотилиши деб баҳолаган. Хабарларга кўра, қимматбаҳо тарвузни маҳаллий бизнесменлардан бири қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш мақсадида сотиб олган.

Саккиз килограмм вазнли Densuke тарвузи фақатгина Хоккайдо оролида етиштирилади. Densuke тарвузнинг Японияда



учрайдиган энг камёб нави ҳисобланади.

Мазкур навдаги тарвузлар супермаркетларда одатда 188-283 АҚШ долларигача пулланади.

Densuke тарвузи тим қора рангдаги пўсти, йирик ҳажми билан ажралиб туради. Ёз неъматининг мазаси ҳам бошқа тарвузлардан фарқланади.

### БОЙИМОҚЧИСАН, ИНТЕРНЕТ САЙТ ОЧ!

Миллиардер ва Yahoo! Интернет-компанияси эгаларидан бири Карл Икан компаниянинг ҳар бир акцияси 34,375 доллар туришини маълум қилди. Шу тариқа бутун дунёга танилган Yahoo! қидирув тизимининг умумий нархи 49,5 миллиард долларга етди.

Бундан аввалроқ Microsoft компанияси Yahoo! акцияларини сотиб олиш ниятини билдирганди. Карл Икан Microsoft ўз аҳдида қатъий турган бўлса, айтилган нархга рози бўлиши кераклигини айтган. Миллиардернинг сўзларига кўра, агар Microsoftга мазкур баҳо маъқул келмаса, Интернет бозоридаги асосий рақобатчи Google билан музокаралар олиб боришга тўғри келади.

Microsoft жорий йил бошида Yahoo! ни сотиб олиш учун 44,6 миллиард доллар таклиф этганди. Бироқ мазкур баҳо компания раҳбарияти томонидан рад қилинди. Кейинроқ Microsoft харид баҳосига 5 миллиард доллар қўшажагини эълон қилди.

Айни пайтда Microsoft компанияси Yahoo! қидирув тизимини тўла сотиб олиш ниятидан воз кечди. Бироқ компания Yahoo! га қарашли акцияларнинг бир қисмини харид қилиш мақсадидан қайтгани йўқ.

ТАФСИЛОТ

# Можароларга айбдор бошлиқлар

## АҚШ ҳарбий ҳаво кучлари раҳбарлари ихтиёрий-мажбурий тарзда ишдан кетишди...

АҚШда президентлик сайлови кампанияси айни қизиган паллада мамлакат мудофаа тизимида катта нуфузга эга бўлган генерал Майкл Базз Моусли ва Майкл Уинн истеъфога чиқди. Генерал Моусли ҳарбий ҳаво кучлари бош штабига раҳбарлик қилган бўлса, М. Уинн мудофаа вазирлигидаги тегишли департаментни бошқарган эди. Соддароқ айтганда, уларнинг бири ҳарбий, иккинчиси фуқаролик идораси вакили сифатида тизимни идора этиб келганди. Айтиш керакки, Америка мудофаа тизимида бир пайтнинг ўзида ҳам ҳарбий, ҳам фуқаролик тизими раҳбари ишдан олиниши кўпдан бери кузатилмаганди. Мазкур истеъфолар мамлакат ҳарбий ҳаво кучлари теграсидаги мунозараларни яна кучайтириб юборди.

Ҳарбий етакчилар Американинг ядро қуролларини сақлашда эътиборсизлик ва совуққонлик қилганликда айбланганлар. “Ўз ихтиёрига кўра” бўшаш тўғрисида аризага имзо чеккан мудофаа вазири Роберт Гейтс ҳам ана шу камчиликка асосланган.

Пентагоннинг ядро хавфсизлиги бўйича етакчи мутахассиси адмирал Киркланд Доналд ҳарбий ҳаво кучлари тизимидаги ҳолатни ўрганиб чиққан. Текширувлар давомида охирги ўн йилликда ядро қуролларини сақлаш борасидаги қоидаларга жиддий риоя этилмагани, бу борадаги хатоларни тўғрилаш учун етарли ҳаракат қилинмагани аниқланган.

Маълум бўлишича, фош этилган хатолар шу қадар жиддийки, вазиятни ўнглаш учун катта бир гуруҳ тузишга тўғри келади. Мазкур гуруҳ ядро қуролларини сақлаш бўйича керакли тавсияларни ишлаб чиқади.

АҚШ мудофаа идораси томонидан Ироқ ва Афғонистонда амалга оширилаётган ҳарбий амалиётлар кучли мунозараларга сабаб бўлаётганидан хабарингиз бор. Урушлар-ку, катта сиёсат билан боғлиқ масала ва уни мудофаа вазирлигидан ҳам нуфузлироқ идоралар (Конгресс, Оқ уй) ҳал этади. Бироқ охирги пайтларда мудофаа вазирлиги тизими айби билан ҳам бир қатор ҳодисалар рўй бердики, улар мамлакатда тузуккина шов-шув ва хавотир уйғотди.

Уларнинг бири 2007 йилнинг сентябрида рўй берди. Бортига ядро каллаклари юкланган B-52 русумидаги бомбардимончи самолёт эътиборсизлик туфайли бутун АҚШ ҳудудини айланиб чиқди. Ҳайратланарли жиҳати, бортидаги каллакларнинг биттаси мамлакатни остин-устун қилишга кифоя қиладиган самолёт 36 соат давомида назоратсиз қолдирилди.

Бундан ҳам жиддийроқ можаро жорий йилнинг мартида кўтарилди: Америка ҳарбий ҳаво кучларига тегишли ядро қуроли қисмлари англашилмовчилик туфайли... Тайванга юборилгани маълум бўлиб қолди. Ҳарбий мутахассислар вертолёт аккумуляторлари ўрнига ядро қуролини портлатишга мўлжалланган мосламаларни жўнатган эканлар. Ядро қуролининг махфий саналган қисмлари бир ярим йилга яқин вақт давомида хорижий давлат қуролли кучлари ихтиёрида бўлган. Тайванликлар вертолёт аккумуляторлари етказиб берилмагани тўғрисида арз қилмагунга қадар Америка ҳарбий идораси воқеадан бехабар бўлиб қолаверган.

Ушбу ҳодисалар АҚШ бутун дунёда ядро қуроли тарқалишига қарши тарғибот олиб бораётган, бу йўлда Эрон, Шимолий Корея давлатлари билан кескин зиддиятларга ҳам бораётган бир пайтда юз берди.

> *Таҳлилчилар ҳарбий ҳаво кучлари раҳбарияти турли битимларни имзолаш чоғида шахсий манфаатини кўзлаган ҳолатлар бўлиши эҳтимолини ҳам айтишмоқда. Хусусан, генерал Моусли томонидан Strategic Message Solutions фирмаси билан имзоланган битим кўпдан бери шубҳа-гумонларга сабаб бўлиб келади. Негаки, 55 миллион долларлик буюртмани бажарган фирма генералнинг дўсти Хэл Хорнбургга тегишли эди.*

Таҳлилчиларнинг фикрича, ҳарбий ҳаво кучлари етакчиларининг истеъфосига бошқа омиллар ҳам туртки бўлган. Мудофаа вазирлиги ва ҳарбий ҳаво кучлари раҳбарияти Ироқ ва Афғонистондаги уруш борасида кўпдан бери келишолмаётганди. Зиддият ҳарбий ҳаво кучлари раҳбариятининг сарф-харажатлар миқдорини оширишга уриниши, мудофаа вазирлиги эса имкон қадар уни камайтиришга ҳаракат қилгани ортидан келиб чиққан. Генералларнинг янги ва



қиммат нархдаги F-22 қирувчи самолётларини талаб қилиши ҳам Оқ ва Пентагон режасига мувофиқ келмаган. Айрим кузатувчилар генерал Моусли ва М. Уиннинг ҳаддан зиёд мустақил сиёсат олиб боргани ҳам мудофаа идорасига, хусусан, вазир Роберт Гейтсга маъқул келмаганини таъкидлашади.

Таҳлилчилар ҳарбий ҳаво кучлари раҳбарияти турли битимларни имзолаш чоғида шахсий манфаатини кўзлаган ҳолатлар бўлиши эҳтимолини ҳам айтишмоқда. Хусусан, генерал Моусли томонидан Strategic Message Solutions фирмаси билан имзоланган битим кўпдан бери шубҳа-гумонларга сабаб бўлиб келади. Негаки, 55 миллион долларлик буюртмани бажарган фирма генералнинг дўсти Хэл Хорнбургга тегишли эди.

Давлат бюджетидан каттагина маблағ кетишига сабаб бўлган харидлар мамлакат қонунчилик идораси – Конгрессга ҳам ёқмаган. Балки шу боисдир, ҳарбий етакчилар истеъфоси конгрессменлар, хусусан, демократик партия вакиллари томонидан ижобий баҳоланган.

Сенатнинг қуролли кучлар бўйича қўмитаси раиси Карл Левин Роберт Гейтсни олдинги вазир Доналд Рамсфелддан кескин фарқ қилишини айтиб мақтаган, “Америка ядро қуролларини сақлашга устувор аҳамият қаратиш керак”лигини таъкидлаган.

Ҳарбий етакчилар ҳар қанча жиддий айб билан ишдан кетмасин, барибир ўз даврида улардан муҳим амалиётларда фойдаланилган. Эҳтимолки, сиёсий етакчилар буйруғи билан амалга оширилган махфий операциялар олдида қўйилаётган айблар кўринмай ҳам кетар. Шу сабабли, мудофаа вазири гарчи истеъфога чиқараётган бўлса-да, уларга миннатдорчилик билдирган. “Майк Уинн – ҳурматли давлат хизматчиси ва ўз ишига садоқатли одам, Базз Мосли эса ҳаётининг кўп йилини мамлакат олдида қаҳрамонларча хизматга бағишлади”, — деган мудофаа вазири.

Хабарингиз бор, сўнгги пайтларда АҚШнинг Ироқдаги ҳарбийлари кўплаб можароларда айбдор бўлиб чиқмоқда. Ироқлик асирларга ҳақоратли муносабат, англашилмовчиликлар туфайли амалиётларда тинч аҳолининг қурбон бўлиши, мусулмонларнинг эътиқодини камситувчи ҳолатлар... Масалан, ўтган ойда Ироқдаги Америка аскари мусулмонларнинг муқаддас китоби Қуръони каримга нишон сифатида ўқ отгани ҳам норозиликларга сабаб бўлган ва бунинг учун мамлакат президенти Жорж Бушнинг ўзи узр сўраган эди. Кузатувчилар фикрича, Америка армияси обрўсига соя солган бу каби кўнгилсизликлар ҳам ҳарбий ҳаво кучлари раҳбарияти баҳридан ўтишга олиб келган.

**Хориж матбуоти ва Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

ЖАРАЁН

# Ютуқлар чакки эмас...

Мамлакатимизда спортни ривожлантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ўсиб келаётган ёшларни тарбиялаш мақсадида болалар спортини ривожлантириш Президентимиз ташаббуси билан давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Қилинаётган ишлар ҳам ўз самарасини бериб келмоқда. Масалан, 2006 йилда фойдаланишга топширилган Бухоро олимпиа захиралари спорт коллежидан қисқа вақт ичида спортнинг бир қанча турлари бўйича кўплаб ғолиблар етишиб чиқди. Коллеж талабалари Нигина Бозорова, Акмал Ҳамроев, Диана Сулаймонова, Сардор Ибодов, Наврўз Хайдаров, Дилфуза Ширинова, Сарвиноз Зоирова ва Дилдора Ҳолиқова сингари ёшлар шашка, енгил ва оғир атлетика, таэквандо каби турли йўналишларда мамлакат ва қитъа мусобақаларида ғолибликни қўлга киритдилар.

Шуниси эътиборлики, коллежда дунёга машҳур жаҳон чемпионлари, жаҳон кубоги совриндорлари Собир ва Акобир Қурбоновлар, Шуҳрат Хўжаев, халқаро спорт усталари Комилжон Шукуров, Улуғбек Раҳмонов, Равшан Ходиев каби ўнлаб тажрибали ва маҳоратли мураббийлар жамоаси шаклланган. Яқинда Қозоғистон Республикасининг Алмати шаҳридаги Осиё чемпионатида таэквандо йўналиши бўйича Шерали Шарипов кумуш, Акмал Ҳамроев эса бронза медалини қўлга киритгани нафақат бухороликларни, балки барча ўзбекистонлик спорт ишқибозларини ҳам хурсанд этгани шубҳасиз.



Аммо... кичик бир муаммо: 2006 йилдан фаолият юритиб келаётган ўқув масканининг ўн битта спорт залидан ҳозиргача фақатгина биттаси вақтинчалик фойдаланишга топширилган холос. Талабалар машғулотларни ўтказиш учун шаҳардаги «Ёшлик» ва «Семурғ» каби клубларга қатнашга мажбур бўлишмоқда. Боз устига коллеж ўйингоҳи ҳамда маъмурий бинонинг асосий қисмида қурилиш ишлари орадан 2 йил ўтибдики, ҳали-ҳануз тугатилмаётгани ачинарлидир.

Кошкийди, қисқа вақт ичида муаммолар ўз ечимини топса-ю, у ерда таълим олаётган 796 нафар талаба ва ўнлаб устоз-мураббийларнинг армони ушалса... Ана шунда коллежнинг нуфузи янада ошиб, совриндорлар сафи кенгайиб борармиди?

**Шавкат НОСИРОВ,**
**«Ҳуррият» мухбири.**

САРЧАШМА

**Абу Наср ФОРОБИЙ**

## *Мақсад — энг олий бахт-саодатга эришувдир*

**(«Фозил одамлар шаҳри» китобидан)**

Ақлли деб шундай кишига айтамизки, унда ўткир зеҳн-идрок бўлиши билан бирга фазилати ҳам бўлсин. Бундай киши ўзининг бутун қобилияти ва идрокини яхши ишларни амалга оширишга, ёмон ишлардан ўзини сақлашга ва тортишга қаратган бўлмоғи лозим. Шундай одамнигина ақлли ва тўғри фикр юритувчи деб аташ мумкин.

Ақлли деб шундай кишиларга айтиладики, улар фазилатли, ўткир мулоҳазали, фойдали ишларга берилган, зарур нарсаларни кашф ва ихтиро этишда зўр истеъдодга эга, ёмон ишлардан ўзини четга олиб юрадилар. Бундай кишиларни оқил дейдилар. Ёмон ишларни ўйлаб топиш учун зеҳн-идрокка эга бўлганларни ақлли деб бўлмайди, уларни айёр, алдоқчи деган номлар билан атамоқ лозим.

* * *

Ёшлар юқорида айтиб ўтилган нарсалар: касб-ҳунар, иш тажриба, жаҳд ва ғайратга эга бўлганлари ва шу нарсаларни ўз вужудларида сингдирганларидан сўнг, уларни аста-секин эгаллай борадилар ҳамда юқорида айтиб ўтилган фазилатларни аниқлаб бориб, назарий билимларининг ҳаммасида мантиқий фикрлаш йўлини ишлатишга одатланадилар. Шу тартибда болаларга ўргатиш йўли билан улар камолга етгунча ана шу фазилатлар аниқланади ва тарбия қилинади.

* * *

Инсоний вужуддан мақсад — энг олий бахт-саодатга эришувдир, аввало у бахт-саодатнинг нима ва нималардан иборат эканлигини билиши, унга эришувни ўзига ғоя ва энг олий мақсад қилиб олиши, бутун вужуди билан мафтун бўлиши керак. Кейин бу бахт-саодатга олиб борадиган иш-амал ва воситаларнинг нималардан иборат эканлигини билиб олиши зарур. Сўнгра эса бахт-саодатга эриштирадиган ишларни шахсан бажаришга киришмоғи лозим бўлади.

Бахт-саодатга эришув ва туғма қобилиятларининг ривожланиши ўз-ўзича бўлавермайди, балки бу масалада қандайдир бир муаллим ёки раҳбарга муҳтожлик туғилади.

Ўзидан бошқаларга раҳбарлик қилиш, уларни бахт-саодатга эришув даражасига кўтариш ҳам ҳар кимнинг қўлидан келавермайди. Кимда бировни бахт-саодатга эриштириш, зарур бўлган иш-ҳаракат кабиларга руҳлантира олиш қобилияти бўлмаса ва бу иш-ҳаракатни бажара олишга қудратсиз бўлса, бундай одам сира ҳам раҳбар бўла олмайди.

Баъзан раҳбарлар бир шаҳарнинг соҳибкори, шаҳар халқи ҳаётига тегишли ишларда тадбиркор бўладилар. Улар бу йўл-йўриқларни ўтмишда кечган бошлиқлардан ўрганадилар, лекин шу билан бирга, раҳбар келажак учун ўтмишдаги расм-русум, йўл-йўриқларни ислоҳ қилишни лозим ва фойдали топса, турмуш шароити тақозосига қараб уларни ўзгартиради. Шунингдек, ёмон одатларни ўзида ифодаловчи ўтмишни ҳам ўзгартирмоғи керак. Акс ҳолда ўтмишнинг талабларига риоя этиб, унинг кайфияти сақланса, турмушда ҳеч қандай енгиллик, ўзгариш ва ўсиш ҳам бўлмайди.

* * *

Маданий жамият ва маданий шаҳар (ёки мамлакат) шундай бўладики, шу мамлакатнинг аҳолисидан бўлган ҳар бир одам касб-ҳунарда озод, ҳамма баб-баробар бўлади, кишилар ўртасида фарқ бўлмайди, ҳар ким ўзи истаган ёки танлаган касб-ҳунар билан шуғулланади. Одамлар чин маъноси билан озод бўладилар. Бири иккинчисига хўжайин бўлмайди. Одамларнинг тинчлик ва эркинликларига халақит берувчи султон бўлмайди (Форобий бу ўринда демократик жамиятни назарда тутмоқда – Ф.Ж). Улар орасида турли яхши одатлар, завқ-лаззатлар пайдо бўлади.

Уларнинг ўзларидан сайланган раҳбар ёки бошлиқлар ҳокими мутлақ бўлмайди. Улар одамлар ичидан кўтарилган, синалган энг олижаноб, раҳбарликка лойиқ кишилар бўладилар. Шунинг учун бундай раҳбарлар ўз сайловчиларини тўла озодликка чиқарадилар, уларни ташқи душмандан муҳофаза қиладилар. Бундай раҳбарлар ҳаммага баробар муносабатда бўладилар, ҳатто ҳамманинг манфаатини ўзларининг манфаатларидан ортиқ кўрадилар, умумнинг манфаати учун ўзларининг шахсий манфаатларидан кечадилар, халқ манфаати учун ўзларидаги куч-ғайрат ва бойликларини аямайдилар.

**Фаррух ЖАББОРОВ тайёрлади.**

ТИЛСИМ

# От ҳақида ҳақиқат

*Тарихдан маълумки, инсоният цивилизациясида турли ашё ва ҳайвонларнинг кўз илғамас, лекин беқиёс даражадаги ўрни бор. Агар илмий нуқтаи назардан ёндашилса, бунга кўп мисоллар келтирилиши мумкин. Биргина бронза ва темир асрларида ит ва отнинг қўлга ўргатилиши, дастлабки кишилик жамияти тараққиётига катта ҳисса қўшган. Яна туркшунос олимлар ва тарихчиларнинг эътироф этишича, туркий халқлар томонидан узангининг кашф этилиши уларнинг ҳарбий-ижтимоий ҳаётида улкан бурилиш ясаган. Таъкидлаш керак, юқоридаги фикрлар отнинг инсоният ўтмишидаги ўрни ва аҳамияти нечоғли эканини асослаб беради. Бугунги кунда ҳам от билан боғлиқ кўп асрлик қадриятларимиз борки, таъбир жоиз бўлса, улар минг йиллардан бери туркий халқларнинг миллий камолотига хизмат қилиб келмоқда. Қуйида ана шу ҳақда фикр юритамиз.*



От хосиятли бўлади. Эскиларнинг айтишича, у эгасининг хонадонига ризқ тилар экан. Бизда шундай нақл бор: “Отингдан айрилсанг ҳам жаккамик (яккамих)-ингни бузма”. Жаккамик — от бойланадиган, бақувват ёғочдан қилинган қозиқ. Узунлиги уч метр атрофида бўлиб, ярми ер остига кўмилади. Отни шунга боғлашади. Одатда янги кўчиб чиққан уй эгалари оти бўлмаса-да, келажакда бизнинг ҳовлида ҳам от ризқ тилаб турсин деган ниятда жаккамик ўрнатади.

Яна “От ақлли бўлади” — дейишади. Уларнинг аксарияти одам танлайди. Ёқтирмаган кишисини ёнига йўлатмайди. Улоқчи отларда шунақа хусусият бор. Булунғурнинг Оқтепа бозорида шундай воқеага гувоҳ бўлганман. Даллолларнинг ғала-ғовури остида уч ёшли тойни савдо қилишди. Нархи бир тўхтамга келиниб, барака олингач, янги хўжайини тойнинг арқонини ечолмади. Жонивор уни яқинлаштирмади. Шунда йилқининг аввалги эгаси отга маст ҳолда яқинлашмаслигини айтиб, саманни бозордан ташқарига чиқариб берди. Отларнинг биз билмаган ва эътибор бермаган нозик хусусиятлари кўп. Синчиклаб кузатган, у билан ҳамнафас яшаган кишиларгина сирсиноатга бой эканлигини яхши билишади. Яна бир мисол: одатда отларнинг айили чап томонидан тортилади. Ва шу тарафдан минилади. Яхши йилқи ўнг томонидан минишга йўл қўймайди. Эътиборли томони шундаки, айил чап томонидан тортилганидан кейин чавандоз чап оёғини узангига тираб, ўнгини оширади. От ҳам дастлаб ўнг оёқдан қадам ташлайди. Бунда ўз-ўзидан чавандоз ва отнинг ўнг томони билан ҳаракатланиши уйғунлашади. Шарқ халқларидаги “Отлиқнинг иши ўнгидан келади” — деган нақл ана шу уйғунликдан келиб чиққан бўлса, ажаб эмас. Баъзи бир қирчанғи ва чўбир отлар бундан мустасно. Қирчанғи — узоқ йиллар кўпкари қилган, қартайиб қолганлиги боис, аравага қўшиладиган, юк ташиш, мол-қўй боқишда ишлатиладиган от. Чўбир — кўпкари қилолмайдиган, тезлиги паст, умуман олганда зоти бузуқ от. У ҳам асосан хўжалик ишларида ишлатилади. Булунғурлик от ишқибозлари чўбир билан қирчанғини шундай фарқлайди. Яна йилқини икки ёшгача қулун, иккидан учгача той, учдан тўртгача ғунон, тўртдан бешгача дўнон деб аташади. Беш ёшида от бўлар экан.

Уларни эл орасида покиза жонивор дейишади. Ҳақиқатдан ҳам от бошқа жониворларга қараганда тоза юради. Отбозларнинг айтишича, мабодо сайисхона бирор кун тозаланмай қолиб кетса, отлар безовта бўлишар экан. Шунингдек, улар ҳар қандай жойда думаламайди. Думалаш учун жой танлайди. Илгари дадам кунда бир марта улоқчи отларини думалатгани олиб чиқарди. Уларнинг жой танлашини кўп кузатганман. Отлар ҳеч қачон эшак думалаган жойни танламайди.

Азалдан от ва инсон ўртасида қандайдир яқинлик бор. Шу боис асрлар оша бадиий адабиётларда от ҳақида кўп ёзилган. Ҳатто, Ҳадиси шарифда ҳам “Фарзандларингизни от минишга ўргатинг”, дейилган. Назаримда улар фаросатлилиги ва ўткир зеҳнлилиги билан бошқа ҳайвонлардан ажралиб турса керак. Қадимда ота-боболаримиз фарзанд тарбиясида отдан унумли фойдаланишган. Сир эмас, от устида ўтирган кишининг руҳияти соғломлашади. Баландлик одамни сергаклантиради. Уни бошқариш жараёнида ёш боланинг абжирлиги ва жасурлиги ортади. Эгар устида эшакдаги каби бепарво эмас ҳушёррoқ бўлади. Отнинг тез чопиши одамни чиниқтиради. Юқоридаги Ҳадис негизида ушбу тарбия усули яширинган бўлса керак, назаримда.

*“Фарзандларингизни от минишга ўргатинг.”*
(Ҳадисдан)

Одатда, отларни кўпкарида синашади. Чунки ҳар қандай отнинг оёқ олиши улоқда маълум бўлади. Йилқини бу тарзда синовдан ўтказиш аждодларимиздан қолган. Болалигимда бобом Бухоро амирлиги қўшинига от тўплашда ҳам биз томонларда кўплаб улоқ маросимлари ўтказилганлигини айтиб берган. Кўпкари кўп асрлик мусобақа. У азалдан туркий халқлар ҳаётининг ажралмас бўлаги бўлиб келган. Унда отлар билан бирга полвонларнинг ор-номуси, ғурури, абжирлиги ва довюраклиги синалган. Полвонлик қон қувади. Ота-боболарида чавандоз ўтган бўлса, албатта, авлодларидан бири от чопади. Булунғурда бир замонлар Азим полвон деган чавандоз ўтган. Унинг ўғли ҳам Суюн полвон деб ном қозонди. Суюн полвоннинг Зоҳид, Шуҳрат деган фарзандлари ҳозирги кунда Булунғурнинг олди полвонларидан. Невараси Элмурод полвон ҳам яхши чавандоз. Полвонларнинг айтишича, чавандоз мард бўлиши керак. Шу билан бирга полвон бўлишда кучнинг ўзи кифоя қилмайди. Бунинг учун кишида мардлик, олижаноблик, тантилик хусусиятлари бўлиши лозим. Илгари Бахмалда Туроб деган полвон бўлган. Айтишларича, полвон дўстларининг илтимосига кўра пахсачи дўсти билан қўлда куч синашган. Узоқ вақт давом этган беллашувда полвон енгилган. Натижада ўртоқлари уни мазах қилиб кулишган. Шунда у мен мезбон рақибим меҳмон эди, шунинг учун уни мулзам қилмадим, деб жавоб берган. Кейинчалик пахсачи дўсти билан алоҳида учрашганда “Мен ўшанда ростдан ҳам енгилувдим, лекин кўпкарида тортишсак эгаринг билан узиб оламан”, деган экан. Нагзи паст одамдан ҳам полвон чиқмайди. Нагзи паст — дангалчи ва ҳалол эмас, деганидир. Кўпкари одамни тилга туширади. От эгасининг номини элга танитади. Тулпор билан бирга эгасининг номи ҳам олам кезади. Бировлар кўз-кўз учун ҳам от боқади. Кўпкари беради. Бахмалдаги бир кўпкарида Шертой полвон “Тайсон” лақабли отда энг катта солим (соврин) — туяни олди. Баковул шундай эълон қилди. “Ғаллаороллик Шертой полвон ургутлик Зайниддинбойнинг отида туяга ташлади”. Йилқининг қанча вақт кўпкари қилиши айнан бир давр билан чегараланмайди. Илҳом полвоннинг айтишича, ўтган асрнинг 80-йилларида ўлкамиздаги улоқ маросимларида “Васка” лақабли от машҳур бўлган. У 3 ёшида катта солимлардан бири — тойга ташлаган. 25 ёшида Бахмалдаги бир кўпкарида оёғи синиб, ўлган.

Дарвоқе, улоқчи отларнинг эл ичида ўзига хос лақаби бўлади. Лақаб полвон ёки эгаси томонидан отларнинг айрим хусусиятларидан келиб чиқиб ёки тилга тушган тулпорларга ҳавас қилиб қўйилади. Айни пайтда Самарқанд ва Жиззах ҳудудларидаги кўпкариларда қуйидаги отлар машҳур: “Янтар” (эгасининг айтишича шу номдаги от бор), “Қорабайир” (зоти шундай), “Васка” (юқоридаги шу номли отнинг зурриёди), “Кўккаптар” (ранги кўк, чавандознинг айтишича каптардек енгил чопади), “Мишка” (шу номдаги спортчи от бор), “Жийрон” (ранги шунақа), “Танка” (полвоннинг айтишича, ҳар қандай тўдани ёриб ўтадиган от), “Бўзсаман” (ранги шундай), “Делфин” (шу номдаги спортчи от бор).

Бугун отнинг ўрнини техника тараққиёти маҳсули — автоуловлар эгаллаган ҳамда уларга бўлган эҳтиёж анчагина сусайган пайт. Шу боис от билан боғлиқ қадриятларимиз ва урф-одатларимиз йўқолиб бормоқда. Қолганлари ҳам тадқиқотчиларини кутиб ётибди. Кези келганда шуни ҳам таъкидлаш лозим, мазкур меҳнатсевар жониворлар характери бадиий адабиётларда татбиқ қилингани каби илмий нуқтаи назардан ҳам ўрганилса, фойдадан ҳоли бўлмайди. Аёнки, минг йиллардан бери инсоннинг энг яқин дўсти ҳисобланган жониворларнинг тийнатидан оламшумул ихтиролар зоҳир бўлажак.

**Анвар СУЮНОВ**

РИВОЯТ

# Халифа Умарнинг “шапалоғи”

***Халифа ар-Рашидийн, яъни ҳазрати Умар, 634 йили халифалик тахтига ўтириб, ўн йилга яқин ҳокимиятни бошқарган. 644 йили Басра волийси ал-Муғира ибн Шўъбанинг топшириғига биноан қули Абу Луълуа томонидан саждага бош қўйиб турган пайтида ханжар санчиб ўлдирилади.***

Манбаларда келтирилишича, у киши қирқинчи бўлиб ислом динини қабул қилган экан. Шунингдек, халифа даврида Миср, Сурия, Жазоир, Басра, Куфа, Фаластин, Эрон каби мамлакатлар халифаликка қўшиб олинади. Ва янги ҳижрий Ислом тавқими амалга киритилган.

Халифанинг тўғрисўзлиги, адолатпарварлиги, камтарин ва олижаноблиги ҳақида турли хил ҳикоятлар мавжуд. Ўз даврида пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) у кишини “Форуқ” — фарқ қилувчи, яъни ҳақни ноҳақликдан ажратувчи деб атаган.

Унинг халқпарварлиги ҳақида бизгача турли ривоятлар етиб келган. Айтишларича, халифа даврида Шом амалдорларидан бири ҳажни зиёрат қилаётган чоғида бир кишини ноҳақдан бир шапалоқ урган экан. Натижада калтак еган киши Умар (р.а.)га шикоят қилади. Халқпарвар подшоҳ эса, амалдорга қуйидагича мактуб ёзади: “Бу одамнинг кўнглини ол ёки сен ҳам ундан кўпчилик олдида бир шапалоқ егин”.

Албатта, бу бир ривоят. Аммо тарихий манбаларда ҳам ҳазрати Умарнинг ниҳоятда адолатпарвар инсон бўлганлиги айтилади.

**Абдулҳамид ҲАБИБУЛЛАЕВ**

МУТОЛАА

# Донишманднинг қайта туғилиши

***XX аср ўзбек илм-фани тараққиётида мутафаккир олим Иброҳим Мўминовнинг ўз ўрни бор. Зотан, у ўтган асрнинг ўрталарида юртимизда илк бор Гегель таълимотини чуқур ўрганиб, уни ўқувчилар оммасига етказиб берган, шунингдек, Шарқ фалсафасининг жаҳоншумул аҳамиятини дунё жамоатчилигига қайта кўрсата олган буюк тафаккур соҳиби эди. Бундан ташқари, у Мирзо Бедил фалсафасининг инсоният тамаддунидаги беқиёс ўрни ва соҳибқирон Амир Темур бобомиз ҳақида тарихий ҳақиқат учун куйиб-ёниб фаолият кўрсатди, ижод қилди.***




Олимнинг фан соҳасидаги серқирра ижоди Наим Ғойибовнинг яқинда “Ўзбекистон” нашриётида чоп этилган “Донишманд” китобида кенг ёритилган. Китобнинг эътиборли жиҳати шундаки, муаллиф алломанинг ибратли ҳаёти ва илмий-педагогик фаолиятини қисқа чизги — этюдлар орқали бир бутун, яхлитлигича акс эттиради.

Рисоланинг “Армон” бобида Иброҳим Мўминов феномени, ўзбек миллий маданияти, илм-фанида тутган ўрни очиб берилади. Донишманднинг закийлиги, жасорати, бағри кенглигию барча инсоний фазилатлари ҳаётий мисоллар билан кўрсатиб ўтилади. Китобнинг “Файласуфнинг бепоён олами” бобида Иброҳим Мўминов илмий кашфиётларининг тарихий тадрижи анча кенг ва батафсил ёритилади. Таъкидлаш керак, бутун Европа ижтимоий маънавиятининг ядросига айланган Фридрих Гегель фалсафий мактабини ўрганиш зарурати пайдо бўлган ва ушбу ҳодисани XX асрда ўзбек файласуфларидан биринчи бўлиб Иброҳим Мўминов илғаган эди. Муаллиф Иброҳим Мўминовнинг Гегель ва Европа фалсафасига чуқур кириб бориб, уни тафаккур чиғириғидан ўтказганидан сўнг бу таълимотга Шарқ файласуфи Мирзо Абдулқодир Бедил фалсафасининг ҳамоҳанг эканлигини ва уларни таҳлил қилиш жараёнида бу нарсанинг исботлаганлигини таъкидлаб ўтади. “Иброҳим Мўминов тадқиқотида Бедил пантеизми (оламнинг бирлиги, бир бутунлиги ҳақидаги таълимот) масалаларига кенг ўрин ажратилади,—деб ёзади муаллиф, оламдан ташқаридаги ҳар қандай ҳодиса ёки илоҳий кучни рад қилади, олам ягона бўлиб, худо ҳам шу олам ичидадир”, дейди. Наим Ғойибов мутафаккир илмий меросини шарҳлаб борар экан, бу илмий хазинани тадқиқ этиш жараёнида Гегель ва Бедил фалсафасининг чоғиштирма характеристикасини яратади. Шунингдек, Гегел+Бедил+Иброҳим Мўминов фалсафасини тўртинчи авлод файласуфи сифатида қиёсий таҳлил қилади.

Иброҳим Мўминов Ўрта Осиёда фалсафий тафаккур тарихини биринчилардан бўлиб ўрганган етук олим бўлгани боис, муаллиф унинг Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Навоий, Бобур, Бедил асарлари фалсафасининг мағзини чақиб, илмий жамоатчиликка етказишдаги хизматларига кўпроқ урғу беради.

Албатта, ҳар бир асарда муаллифнинг ўзлиги, яъни қайсидир жиҳатлари акс этади. Китобда Наим Ғойибовнинг Иброҳим Мўминов билан кўп йиллар ёнма-ён, ҳамнафасликда иш олиб борганлиги, олимнинг яқин шогирдларидан эканлиги сезилиб туради. Шу сабабли ҳам рисоланинг "Устоз билан ёнма-ён", "Соҳибқирон ҳақиқатини излаб", "Тасалли" боблари самимий ва ҳаётий чиққан.

Мўъжазгина китобда истиқлол йилларида қадр топиб, ҳукуматимиз томонидан "Буюк хизматлари учун" ордени билан тақдирланган мутафаккирнинг ижод ва ҳаёт йўли атрофлича ёритилган десак муболаға бўлмайди. Зеро, алломанинг ибратомуз ҳаёт йўли ва илмий мероси ҳақида том-том асарлар ёзилса арзийди.

**Маҳмуд САТТОРОВ**

